

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 201 (7. 290)

1990 йил 3 сентябрь, душанба

Баҳоси 3 тийин.

Қисқа сатрларда

«Юрус» Совет—Югославия қўшма корхонасининг Тошкентдаги филиали контактсиз кнопкали переключателлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу — филмнинг программалаштириш-электроника бўлими мутахассисларининг ўзига хос ишланмасидир. Бундай переключателлар хилма-хил ускуналарда — касса автоматларидан тортиб, компьютерлар ва рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳларда қўлланилиш буюм. Мамлакатдаги бир қанча корхоналарнинг бюртмаларига биноан ҳозирнинг ўзидаёқ юз мингга яқин контактсиз переключатель тайёрланди.

Тошкентлик тўқимачилар — марказий илмий-тақшириш лабораториясининг дескриптор Т. Турғунбоева билан пердослаш фабрикасининг бош раис бериучи устаси Л. Сафроневич Ўзбекистон Енгил савоат министриги ва тэрмоқ касба уюшмаси

жумҳурият комитетининг Фахрий ёрликлари билан тақдирландилар. Улар ўтган йил жумҳурият мусобақаси якунларига кўра гольби, деб топилдилар.

Обуна нархи оширилмасин! — «Средне-азиатская магистраль» газетаси муҳарририятининг жамоаси шундай қарор қабул қилди. Уни йўллар бошқармаси раҳбарияти ва касба уюшмаси ташкилот қўллаб-қувватлади. Урта Осиёнинг бир қанча жумҳуриятларида газетанинг ўн беш мингга яқин обуначиси бор. Тахрир ҳайъати темирчўлчи-муштарийларга мурожаат этиб, уларни газетата обуна бўлишда фаоллик кўрсатишга дэват этди. Тахрир ҳайъати муштарийларнинг қўлайлигини ўзи учун моливиый ёрдамга эмас, шу билан бирга матбуот органи таъсирчанлигининг гарови ҳам деб ҳисобламқда.

Бу ҳақда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида гапирилди

«БЕКОР ЎТИРАВЕРИШ ЖОНГА ТЕГДИ...»

ТАЪМИНОТДАГИ УЗИЛИШДАН РАНЖИЕТГАН ҚУРУВЧИЛАР НОЛАСИГА КИМ ҚУЛОҚ СОЛАДИ?

«Уй-жой қурилишига алоҳида эътибор берилиши лозим. Яқин беш йил ичида 67—68 миллион квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш, 6 миллиондан зиёдроқ кишининг уй-жой шaroитини яхшилаш вазифаси қўйилди. Бу аса ҳозирги беш йилликдагидан бир ярим баробар кўпдир», дейлади Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездида Сийсий маърузасида.

Тан олиш керак, жумҳуриятда уй-жой таъминоти олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада яхшиланди. Айниқса меҳнатқашларга шахсий уй қуришлари учун томоғра ерларнинг ажратиб берилиши бу борада салмоқли қаддам бўлди.

Хўш, пойтахтимиз Тошкентда уй-жой қурилишининг ҳозирги аҳволи қандай? Умуман бу борадаги режа қандай бажарилмоқда? Қурилушлар миқдоси ва унинг сифати аҳоли талабига жавоб берадими? Бу ўринда ҳам аввало ўтган йилга нисбатан анча силжиш борлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Буни рақамлар ҳам кўрсатиб турибди. Бу йил ҳаммаси бўлиб 1 миллион 244,7 миң квадрат метр уй-жой барпо этиш белгиланган эди. Биринчи ярим йилликда 524,8 миң квадрат метр уй-жой қурилиши мўлжалланганди. Амалда бу топшириш 535,3 миң квадрат метр қилиб бажарилди. Яъни ярим йиллик режа 102 фоиз қилиб адо этилди.

Кўрсаткичлар яхши. Лекин барбир улар аҳоли талабини ҳали-ҳамоно тўла қондирилмапти. Буни ҳамшаҳарларимиздан рўзномаларга келиб турган мактублардан ҳам билса бўлади.

— Ушбу мактубни ёзишмига бонинг турмуш шaroитини мажбур қилди. Чунки, арзнома кўтариб бермаган кўчмаиз, кирмаган ашигимиз қолмади, — деб ёзибди оқшомхон Шеровалар оиласи аъзолари. — Уй-жой масаласида жуда қийналдик. Онамиз кўп болали бўлишига қарамасдан 1986 йил февралда уй-жойимизни кенгайтириш тўғрисида Киров район икромия комитетига берган аризаи шу вақтгача эътиборсиз ётибди. Яқинда бориб суриштирсак кўп болаилар рўйхатида 47-уринда оқнамиз. Қамалаб кўрсак шу кетишда яна 5—6 йилдан кейин бизга навбат келаркан. Агар кўп болали аёллар рўйхати шундай бўлса иттиёбизнинг ҳисобида турганларнинг ҳоли нима кечади?

Ушбу хатга ўз муносабатини билдиришни Ленин орденли бинокор Т. Самиговдан илтимос қилдик.

— Мактуб ағаларининг талаби ҳақ, — дейди у. — Уй-жой олиш учун ўн йиллаб навбатда турганлар бор. Бу фактдан кўз юмиб бўлмайди. Қуриноб турибдикки, биз уй-жой таъминоти масаласида ҳали анча оқрада қолаймиз. Баъзан ўйлабди кетаман. Ҳар йили қанчадан-қанча бинолар бунёд этиляпти. Уларга қанча-қанча оилалар кўчиб киришляпти. Лекин талаб ўша-ўша, ҳеч қамаймаяпти. Шундай экан, қандай бўлмасин қурилиш ишларини тезлатиш йўлларини қидиришимиз керак. Бунинг бирдан бир йўли — таъминоти яхшилаш. Бугунги кунда қурувчиларни қийнаётган нозик масала ҳам шу.

Айниқса, кейинги йилларда таъминотда тез-тез узилушлар бўлиши ишининг белгига тепаяпти, режаларни барбод қилапти. Агар бу таъкислик узил-кесил ҳал этилганда эди ишончим комилки, қурилиш ҳажми икки ҳисса ортган бўларди. Ана шундагина оқоридидаги наби шикоят хатлари анча қамайган, бинокорларнинг юзлари ёруғ бўлган бўларди.

Шу ўринда диққатингизни ушбу мактубга қаратмоқчимиз.

— Бизга «Ўрнкор» даҳасидан шахсий уй қурилиши учун ер ўлаб беришганига уч йил бўлди. Оиламизга кўрсатилган бу ғамхўрлик учун ҳуқуқимизга катта раҳмат, — деб ёзибди С. Ҳамдамов. — Бироқ бизни ташвишга солаётган нарса орадан шунча йил ўтиб эиндигина иморат пойдеворини би-

тирганмизда. Сабаби қурилиш учун лозим бўлган материалларни топши қийин бўлаяпти. Уни излаб қерларга бормадик. Кимларга мурожаат қилмадик. Ахир қачон бундай таъкиллиқдан қутиламиз?

Шарҳа ҳожат йўқ. Бу муаммо ҳозир каттаю кичики қийнапти.

Яқинда бир илгор қурувчи дўстимникига меҳмонга бордим. Гап орасида у ишдан бўшаганини айтиб қолди. Ҳайрон бўлдим. Тошкент зилзиласи вақтида қалб амри билан шу касбини танлаган, йиллар давомида уни эъозлаб келган дўстим нега бирдан ўз касбидан воз кечди экан.

— Бекор ўтиравериш жонга тегди, — дейди у сабабини сўрасам. — Ҳали бетон йўқ, ҳали қоршима. Қарасам йилнинг салкам ярми ишсизлик билан ўтаётган экан. Шунга яраша маош ҳам кам бўлаяди. Ахир жўжабирдек жон бўлсам. Ўйлаб қарасам бўлмайдиған. Шундан кейин ширкатга ишга ўтиб кетдим.

Тошкентдек шаҳри азияда қурувчилар нега қамайиб бораётганининг сабабини шунда тушунам.

— Йиллаб навбат кута-кута ниҳоят Юнусободнинг 2-мавзесида бунёд этилган бинодан уй олиш бахтига муассас бўлдим, — деб ёзди С. Шарипова. — Ўша дамдаги қувончимизни айтмай қўяқолай. Бироқ у кўпга қўйилмади. Яхши ният билан кўчиб кирган уйимиздаги камчиликлар аста-секин буй кўрсата бошладилар. Аввало ваннахонадаги жиҳозларни ўзгартирдик. Кўп ўтмай юқори қаватдаги қўшимининг ҳолати хонасидан оққан сув қай йўл биландир бизнинг ошхонамиз томондан оқиб тушадиган бўлди. Шундоқ ҳам нурсиз ва дидсиз ёпиштирилган гулгоҳозлар кўчиб кетди. Эшик тутқичларини ҳам қайта алмаштирдик. Электр ёқиб ўчиргичлар бундан мустасно эмас. Вой тава, шунчалар инсофсизлик бўладими? Ҳеч бўлмаса бинони қабул қилаётган нуфузли комиссия аъзоларининг қўзлари қаёқда экан?

Шундай мазмундаги хатларини бизга М. Отажонов, Г. Муродова, Х. Турсунова, Р. Обидова, Х. Орипова ва В. Хидоятлар ҳам йўллаган. Ушбу мактубларни ўқиб туриб уларнинг эгалари ҳолига ачиниб кетасан киши. Ахир бир оила елиб-югуриб уй олиб умид билан тутадиган дағдага эртасидан яна уй-жой бошқармасини излаб югура бошласа. Ахир бунинг инсофдан деб бўладими? Нега сифатсизликка йўл қўйилди? Умуман бу иллатдан қутулиш чораси борми? Бор албатта. Қачонки, ўша юқорида айтганимиздек таъминот масаласи иккунчи ҳал этилиб қурувчилар ишининг бир маромада боришини таъминлаб, улар устидан назорат қўйатирилсагина бунга чек қўйиш мумкин.

Шаҳримизда уй-жой таъкислиги ҳукм суриб турган бир даврга режа орасидан кўниб шомша-шоярлик билан баъзи биноларнинг чала-чулпа фойдаланишга топшириляётганлиги кеңирилмас ҳолдир.

— Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезидида бу ҳақда бежиз гапирилмади. Ишимиздаги сифатсизликлар, таъкисликларга ҳолисона баҳо берибди, — дейди Т. Самигов. — Съезд миёнбаридан туриб «Уй-жой ниҳоятда етишмай турган бир вақтда... режада кўзга тутилган уй-жойнинг фойдаланишга топширилишини таъминламади» деб айтилган сўзлардан биз қурувчилар ўзимизга тегишли ҳулоса чиқариб олишимиз керак.

Ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, шаҳримизда уй-жой режасининг бажарилмаслигига сабаб бўлаётган барча омиллари қидириб топиб уларга барҳам берганимиздагина режа ўз вақтида адо этилиб, бинолар мудатда фойдаланишга топшириладиган бўлади.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Тонгги рўзномаларда

31 август кунин СССР Президентини М. С. Горбачев раислигида ўтган СССР Федерация кенгашининг ва Президентлик кенгашининг қўшма мажлиси ўз ишнин тугатлади.

Шу кунин СССР Президентининг совет ва чет эл журналистлари билан учрашуви бўлди. М. С. Горбачев қўшма маж-

лисида муҳокама қилинган мамлакатимизнинг ички ва ташқи сийсатига дахлдор қатор саволларга жавоб берди.

Бугун тонгги рўзномаларда ана шу ҳақда расмий хабарлар эълон қилинган.

1 сентябрь кунин М. С. Горбачев раислигида СССР Президентини ҳузурдаги Мудофаа кенгашининг мажлиси бўлди.

Тошкент шаҳар Совети президиуми.

комитетлари тўғрисида» низоом лойиҳаси тўғрисида;


— сайловчиларнинг нақазларини амалга оширишга доир тадбирларнинг (иккинчи қисми) режаси тўғрисида;

— Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш комитетининг ҳуқуқий мақоimini ўзгартириш тўғрисида;

— қадрлар масаласи ва бошқа масалалар.

Депутатлар совет 9.00 дан рўйхатга олинади.

Тошкент шаҳар Совети президиуми.



Ленин райони:

- Янгиликлар
- Воқеалар
- Хушхабарлар



«ЧИЗМАДА — МЕТРО БЕКАТЛАРИ. Тошкент метросини лойиҳалаш институтининг истеъодли метроморлари Феруза Музаффарова ва Яшнар Мансуров Юнусобод йўналишида бунёд этиладиган бекатлар ҳақида фикр алмашляпти.

Талаб ортиб бормоқда

«ҚИЗИЛ ТОНГ» тикучилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг хотин-қизлар учун тайёрлашган — пальтоларида бўлган талаб ортиб бормоқда. Бирлашма жамоаси томонидан тиклаётган ҳар бир маҳсулот ўзининг қўриниш, сифати ва бекирилмиги билан кўпчиликка маъқул келмоқда.

Саккиз ойлик режани мудатидан илгари бажарган аҳил жамоа режадан ташқари бир миллион олти миң сўмлик маҳсулот тайёрлади. Ҳозир бирлашмада фақат пўртининг замонавий, янги қўринишининг ўзидан 15 хил тайёрланмоқда.

Бир-бирдан чиройли

«УЧКҮН» тўқимачилик-аторлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси саккиз ойлик планини мудатидан илгари адо этиб, пландан ташқари 710 миң сўмлик маҳсулот тайёрлади. Ҳозир бирлашмада бир кунда 97 миң сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Айниқса яқинда Швейцариядан келтирилган жиҳоз ёрдамида ишлаб чиқариляётган маҳсулотларга талаб катта. Хотин-қизларга жуда маъқул бўлган ҳар хил ленталардан бир кунда 5 миң сўмлик тайёрланмоқда.

Бирлашмада бири-бирдан чиройли саккиз хил қўринишда рўмол тайёрланаётган бўлиб.

Бугун яна бир юпқа рўмол ишлаб чиқариш йўли қўйилди. Ҳанга хос қўринишга эга бўлган бундай рўмоллардан ҳар кунин 50 миң донга тайёрланади. Тўқувчи Х. Примова, ип йиғирувчи М. Турғунвалар зиммаларидаги вазифани шараф билан сифатли бажариб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ХИЗМАТИДА

«РЕМБИТЕХНИКА» ишлаб чиқариш бошқармасида ўз ишнин сийқидиланган севган меҳнатсевар ишчилар кўпчилигини ташкил этади. Меҳнат ветерани, Ленин ордени соҳибини Х. Усмоновни олайлик. У ана шу корхонада 49 йилдан бери ишлаб келмоқда. Мураббий шу дардиз эллика яқин шогирд-

лар етиштирди. Унинг ҳамкасблари Н. Зарипов, бригадир А. Нехорошев каби илгорлар туғайли бошқарма саккиз ойлик режани 101 фоиз қилиб адо этди. Шунингдек хизмат кўрсатиш режаси 111 фоиз қилиб бажарилди.

Китоблар кўргазмаси

«МАНЖАРА» кўчасидаги 9 қаватли турар жой биносининг 1-қаватида жойлашган маданият маркази аҳоли хизматига бўлмоқда. Ҳозир районода олтига катталар учун, учта кичикитойлар учун мўлжалланган кутубхоналар бўлиб, унда 368 миң китоб мавжуд.

Ҳозир бошқармада ишдан чиққан ҳар хил манший хизмат жиҳозларига иккинчи «ҳафт» бағишлаш учун қўлайликлар яратилмоқда. Пролетар кўчасидаги 89-уйда жойлашган бошқармага қарашли магазиндан керакли ахтиёт қисмларини харид қилиш мумкин. Яқинда метронинг Ҳамид Олимжон станциясида ишга тушириладиган пунктда фақат хорин-

Қулайликлар яратилади

РАЙОНДА 320 ўқувчи мўлжалланган замонавий янги ошхона ишга туширилди. Бундан ташқари район умумий оватланиш корхонаси ишчиларининг хизматлари туғайли Полторацкий кўчасидаги транспортлар тўхташ бекатида «Бир зумда» қаҳвахонаси фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда Фурқат тилади.

да ишлаб чиқаришга ҳолоқдильлик, кир ювиш машиналари, Япония ва Швейцарияда тайёрланган соатлар ремонт қилиб берилади.

Бугун бошқарманинг ўзидан яна бир янги хизмат кўрсатиш йўли қўйилди. Боқуанда таъбирланган кондиционерларнинг барча турларини ремонт қилиб бериш жорий этилди.



ЭНГ ИЛГОР БРИГАДА. Тошкент кимёвий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхонасининг дастгоҳлари янги солашганиги учун ана шундай фахрли уювонга сазовор бўлган бригадаси аъзолари: (чапдан ўнгга) Э. Ф. Фомин, бригада бошлиғи В. Тюнев, А. Безруков, В. Воронцов, А. Боллушов, В. Мишакин ва К. Шаймухамедовлар.

Х. Мирзакаримов суратлари.

Район янгиликлари билан Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ таништирди.

ЕШ ОЛИМЛАР ЖУМҲУРИЯТ МУСТАҚИЛЛИГИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети иқтисодий ислохот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитети томонидан ташкил этилган «Дуалоқ стол» атрофидаги мажлисда Ўзбекистон ССР мустақиллиги муаммолари муҳокама қилинди. Унда депутатлар, олимлар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар ва социологлар, кўчирнуслар ва идораларнинг, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон ёш олимлари ва мутахассислари уюшмаси жумҳурият Олий Советига тақдим этган «Мустақил Ўзбекистон» ҳаракат дастурининг тузилиши лойиҳаси кўриб чиқилди. Лойиҳа Ўзбекистонини иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа омиллари ҳисобга олиб, мустақил давлат сифатида ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишга ҳар томонлама ёндашиш зарурлигини кўзда тутди, бу ерда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар куч-гайратини бирлаштиришга имкон берадиган дастурининг дастлабки вариантини ишлаб чиқиш учун ташаббускор гуруҳ тузилади.

Футбол

Шанба кунин биринчи лига командаларини навбатдаги тур учрашувларини ўтказишди. Тошкентнинг «Пехтакор» командаси ўз майдонда Ленинграднинг «Зенит» футболчиларини қабул қилди. Биринчи бўлима меҳмонлар майдон эгаларини анча шошириб қўйди, ҳисобни ҳам биринчи бўлиб ленинградликлар очиди.

Ютқазиб туриб, ютишди

Лекин шунга қарамасдан пехтакорчиларнинг қилган ҳужумини меҳмонлар дарвозабони моҳирлик билан қайтариб турди. Яқин туғашига 6 минут қолганда Шавирин хисобини тенглаштирди. Стадиондаги барча мухлислар ўринларидан туриб урашувини охири дақиқаларгача майдон эгаларини олқишлаб туришди. Пехтакорчилар лебма-кет ҳужум уюштиришди. Ана шу ҳужумларнинг биринчиси Оганесининг рақиблар дарвозасига йўналтирган тўпи пахтакорчиларга ғалаба олиб келди. Ҳисоб 2:1.

«Пехтакор» навбатдаги тур йўнини яна Тошкентда Боқуининг «Нефчи» футболчилари билан эртага ўтказилади. Ўтган турда «Нефчи» командаси Олмаотада «Қайрат» футболчилари билан учрашиб, 1:2 ҳисобда мағлубиятга учради. Москваининг «Локомотив» футболчилари «Кубань» спортчиларини 1:0 ҳисобда, «Ўзбасс» командаси эса Суҳумининг «Динамо» спортчиларини 3:1 ҳисобда ютди.

Тошкент шаҳар Совети президиуми халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг учинчи сессияси 1990 йил 7 сентябрь соат 10.00 да Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят партия комитетининг Сийсий маориф уйи биносида бўлишини асослади.

Совет муҳокамасига қўйилган масалалар киритилмоқда:

— бошқариладиган бозор иқтисодиёти шaroитларида Тошкент шаҳри халқ хўжалигини ўзини ўзи бошқаришга ўтказиш концепцияси тўғрисида;

— «Тошкент шаҳри маҳалла (мавзе)

Инсон омиди—бош мезон

ҲИММАТ ВА ФИДОЙИЛИК ШАРОФАТИ

2515-автомобиль корхонаси қаршисидаги майдон одамлар билан гажум. Улар Қозғоғистон баллакорларига ёрдамга шайланган юк машиналари қаровига оқ йўл ташламоқда.

— Яқинда 15 та юк машинасида иборат қолонна ҳайдовчилари Жиссаҳ қўловнинг Галларол раёонида қасба уюшмаси қўмитасининг раиси Александр Афанаевич Гуров сўнгги юк машинаси ҳайдовчисига қўл силтар экан. — Уларнинг ҳиммати билан «Нурли қўш» ва Карл Маркс номи колхоз чўққуварларига дон йиғиштиришда ёрдам берилди. Энди эса 10 та юк машинаси Қозғоғистоннинг Уралск вилоятига йўл олди. Жамоада жами 535 ишчи ва хизматчи ишлайди. Улар турли миллат вакиллари билан ташкил. Яқинда корхонанинг 30 йиллик тўғини нишонладик. Чунинчи, жамоамиз «Тошкент шаҳар юк ташит транспорт» концерни томонидан жумҳурият бўйича ўтказилган социалистик мусобадада иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Вимпель ҳамда 1410 сўм миқдорда пул мукофоти билан тақдирландик.

Қасба уюшмаси ташкилотлари бўйича намунали корхоналарнинг биримиз. Шу тўғрисида юз ва тажрибаларимиз билан танишиш мақсадида ишонамизга турли вилоятлардан вакиллар келиб туришди. Бир ҳафта илгари қўшни Қирғизистондан бир гуруҳ вакиллар келиб кетишди. Корхонамиз ҳўналик ҳисобининг иккинчи усулига ўтиб ишламоқда. Бу эса қўзга куринарли самараларни бермоқда. Авваламбор 52 та корхона билан ўзаро шартномалар тузилган. Шу жумладан, 32 корхонага шартнома баҳоларида хизмат кўрсатишмоқда. Булардан «Среднеазиат» бирлашмаси, эканавтар завод, Қўрай яхна ичимликлар заводи, «Уртоқ» ва тамаки фабрикалари, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси билан тузилган шартноманинг барча режалари тўғрисида баҳарилмоқда.

Корхона, хилма-хил юкларни, жумладан, гишт, яхна ичимликлар, тўпроқ, енгил санаят маҳсулотларини манзилга ўз вақтида элтиб бермоқда. Бундан ташқари мунтазам равишда Қўноқ шаҳрига рўзнома ва ойномалар етказиб турилибди.

Корхонада 3 та автоотряд бор. Улар орасида ўзаро беллашув ташкил этилган. Ҳар уч ойлик натижалари бўйича ғолиблар

аниқлаб борилади. Салмоқли натижаларга эришганлар муносиб рағбатлантирилади.

— 1-автоотряд корхонамизнинг энг илғор жамоаси ҳисобланади, — дейди бош муҳандис Нўра Хайтов. — Ўтган йили бу отряд ҳақида шундай фикр билдириш ноқулай эди. Салкам бир йил олдин бошлиқ этиб сайланган Абдумалик Курбоновнинг автоотряднинг ҳозирги мавқеига қўшган ҳиссаси анча салмоқли. Унгача автоотрядда нисбатан анча бўшашган эди. Аммо ўтган вақт ичда жамоа илғорлар сафига кириб олди. Ишда қатъиятлиги, ишчилар қўнғилини тушуна билши Абдумалик корхонада ҳўрмат-эътибор келтирди. Лекин у қўлга киритилган ютуқлар билан кифойланмади. Ўз билим ва тажрибасини янада орттириш мақсадида Қўноқ автомобиль йўллари техникумида сиртдан ўқинди.

Автокорхона илғорларидан 2-автоотряднинг бригадир ҳайдовчилари В. Корнеев ва Т. Икромов, корхона қасба уюшмаси қўмитасининг аъзоси, аккумуляторчи В. Сафронкин, ҳайдовчилардан Т. Ерматов, С. Солтқов, Н. Умарқовов, Я. Имомов, Х. Алимов, автослесарь А. Пирмухамедовлар умумий муваффақиятга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Шу йилнинг ўтган ойлари ичда даромад кўзда тутилган 3610 минг сўм ўрнига амалда 4062,9 минг сўмни ташкил этди. Соф фойда эса режадаги 1463 минг сўм ўрнига амалда 2056,2 минг сўм бўлди. Бу бир ишчи режадаги 5717 сўм ўрнига амалда 6538 сўмдан тўғри келади, демасди. Умуман режа 114,2 фоизга бажарилади.

Корхонада иктомий, маданий-маиший шарт-шароитларни яхшилаш учун 313,8 минг сўм ажратилди. Бу маблағ барча шарт-шароитларни муҳайё этишга ёрдам берди. 60 ўринли ошхона бошдан оёқ қайта таъмирланди. Юз киши парҳез таомлар билан таъминланган бўлди.

Мажнунтол остидаги шинамизга чойхона беихтиёр мафтун қилди, кишини. Барча қўлайликлар муҳайё этилган бу чойхонада қўшиқчи мунтазам самовар қўйнайди. Ўз-ўзини маблағ билан қўллаш асосида ишлаётган новобойхона ходимлари ишчилар учун ҳар кун тандирдан иссиқ нон узиб, дастурхонга қўймоқдалар. Яхна ичимликларнинг савдоси ташкил этилган.

Автомобиль корхонасидаги дам олиш хонаси қайта таъмирланди. 60 ишчига мўлжалланган кишини хонаси, душхона ҳамда сауна давр талабига мос равишда жи-

ҳозланди. Рухий ҳордик чиқариш хонасининг эшиклари ишчилар учун очиб қўйилди. Унда «ойнак жаҳон», радио, диван ва бошқа анжомлар муҳайё. Бу ерда яхна ичимликлар, чой, қаҳва бор.

Ҳайдовчиларнинг аксарият иш вақти йўл билан боғлиқ. Шунинг учун корхона раҳбарияти барча маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ишчилар учун қўлай бўлган шартномада ишлатилиш таъминлаганлар. Яъни соат 17 дан 20 гача. Айни шу вақтда корхонанинг ишчи-хизматчилари ишдан ҳўли бўладилар. Уй-рўзгор учун барча зарур нарсаларни харид қила оладилар. Вунинг учун корхона ҳўлисидан сўнқоқат магазини ишга туширилган. Бу ерда ишчиларга шакар, гўшт ва турли гўшт маҳсулотларидан тортиб, тамакигача сотилмоқда.

Моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг яхши йўлга қўйилганлиги ҳам ишчиларни мамун этмоқда. 20 йиллик меҳнат стажига билан пенсияга чиққан ишчилар учун 1000 сўм миқдорда, илмий-техник ходимлар учун эса 800 сўм миқдорда нафақа пул берилмоқда.

Эз — саяхат фасли. Корхона қасба уюшмаси қўмитаси томонидан бу даврга ҳам аталган бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, умумий миқдори 8 минг сўм бўлган 50 кунлик йўлланмалар ташкил этилди. 50 фоиз миқдорда ҳақ тўланадиган 10 кунлик йўлланмалар билан ишчилар ўзга юртларни зиёрат қилиб қайтидилар. Ишчиларнинг фарандлари ҳам эътибордан четда қолмади. Уч мавсум учун пионер лагерларига 74 та, санаторийда дам олиш учун эса 10—12 та йўлланма соғилди. Булардан ташқари ҳар уч ойликда ишчиларга бериш учун қўшимча 30 минг сўм маблағ ажратилган. Корхонанинг ўз иссиқ хонаси бор. Ундан ҳозиргача 200 килограмм лимон ҳўсали олиниб, ишчиларга давлат нархида сотилипти. Келгусида режа бўйича яна 2 та шундай иссиқхона қуриш мўлжалланяпти. Бу иссиқхоналарда помидор ва бодринг етиштириш кўзда тутилган.

Сафарим ниҳоятда анҳор ёқалаб кетган 2515-автомобиль корхонаси ҳўлисини яна бир бор айлангиз келди. Ўз ишлари билан машғул ҳайдовчиларнинг юзларидаги табассум сабаби энди менга аён. Аҳил жамоаниг ҳиммат ва фидойилиги шарофати эди бу.

Ш. ИКРОМОВ,
Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорт вазирига «Ўзавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тарғибот бўлимининг ходими.



© КОРХОНА. ФАХРИ. Октябрь иқлиби номидаги Тошкент тепловоз ремонт заводининг илғор ишчиси А. Г. Шабанова. Т. Каримов сурати.

Жумҳурият янгиликлари

Бухоро вилояти Гўлдувон районида жуда ўткир иктомий муаммони ҳал этишга киришилди. Бу ерда аҳолини иш билан таъминлаш масаласида мураккаб вазият ажузга келган. Мутахасссларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 5 мингдан зиёд иш йиғит-қиз ўзига қўнғилдагидек иш топмаляпти. Лекин шу кузнинг ўзидеъқ ўрта мактабларни яқинда битирган 700 нафар йиғит-қиз янги меҳнат жамоасининг аъзолари бўлишди. Районда пойёбзал фабрикаси қурилиши тўғрисида.

Корхона йилига 800 минг муфт болалар пойёбзал ишлаб чиқара олади. Объектнинг лойиҳада белгиланган баҳоси — 5 миллион уч юз минг сўм.

Верхневолинскоедаги тикувчилик-аторлик буюмлари фабрикасининг коллективи йил бошидан буён пландан ташқари деярли 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу кўрсаткичга Анджион ва Бухородаги корхоналар гезламеларни бир маромда етказиб бериб турмаган шартномада эришилди.

Шериклар ўтган ярим йилда гезлама етказиб бериш планини атиги 70 фоиз бажариб, 400 минг сўмлик маҳсулотни кам етказиб бердилар.

Бундай мураккаб вазиятда тикувчилар мавжуд барча резервларни ишга солишга мажбур бўлдилар. Бу резервлар орасида асосийси — чикиндикси ишлаб чиқариш технологиясидир. Масалан, гезламеларни маҳсус ускуна ёрдамида бичишга ўтиш коллективга анча хом ашани тежаб қолиш имконини берди. Яқиндагина чикиндик сифатида ташлаб юборилган гезламалардан жуда ҳардорғир бўлган болалар гарнитурлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

[ЎЗАТ].

Хориждан хабарлар

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ, ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон пойтахтида уч йилдан сўнг маҳаллий аҳоли ва хорижий меҳмонлар ҳақиқий рус таомларидан баҳраманд бўладиган ва СССР халқлари маданияти билан таниша оладиган ёки шунчаки дам олиш вақтини хурсандчилик билан ўтказа оладиган комплекс пайдо бўлади. СССР Граждан авиацияси министри билан Ҳиндистон туризми ривожлантириш корпорацияси ўртасида бу ерда имзоланган битимга мувофиқ Деҳлида «Ашока аэропорт корпорейш» Совет-Ҳиндистон қўшма корхонаси барпо этилади.

350 ўринли шинам меҳмонхона қурилиши шу комплекснинг биринчи лойиҳаси бўлади. Бу ишда маблағнинг 40 фоизи, бинобарин меҳмонхонадаги 140 ўрин совет томонига қарашли бўлади. Корпорация президенти Рам Кришна Ланг дунёнинг шу қисмидаги энг қоқоқ мамлакатларда кадрлар тайёрлаш ва кино ишлаб чиқаришнинг моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида қўш-қайратларини бериштиришлари лозимлигини таъкидлади. «Осиёдаги ҳар бир мамлакат фондида ҳар йили камид битта фильмни соғна қилиш керак, натижада биз кент фильмотекага эга

«Биз ўз касблари билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишда қитъа кинематографчиларига ёрдам берадиган, шунингдек халқларимизнинг Осиё кино санъати ютуқлари билан танишишга кўмаклашадиган «Осиё кино фонди»ни тузишимиз лозим», — деди Ҳиндистоннинг ахборот ва радиозаштириш министри Парватханени Упендра Осиёда кино муаммоларига бағишланган конференцияни очиб чоғида сўзлаган нутқида. Осиёдаги танили кино санъати арбоблари тулган ва тўрт кун давом этадиган бу анжумани Ҳиндистонда чиқадиган «Синемайя» журнали кўмагида ЮНЕСКО ўтказмоқда.

Министр қитъа мамлакатлари, биринчи навбатда кўп кино асарлари яратилган иккинчи давлат Ҳиндистон билан Япония дунёнинг шу қисмидаги энг қоқоқ мамлакатларда кадрлар тайёрлаш ва кино ишлаб чиқаришнинг моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида қўш-қайратларини бериштиришлари лозимлигини таъкидлади. «Осиёдаги ҳар бир мамлакат фондида ҳар йили камид битта фильмни соғна қилиш керак, натижада биз кент фильмотекага эга

бўламыз, ундан ана шу ташкилотга аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳар бири эркин фойдалана олади», — деди у.

КОБУЛ. Афғонистон шимолдаги Ҳоузгон ҳақида Қобул вилоятининг Мирбақор қўрт музофотида «Афғонистон ислом партияси» (АИП) ва «Афғонистон ислом жамияти» экстремистлари ўртасида шартнома тўлашувлар бўлиб ўтди. Жангарилардан 120 дан зиёд киши ҳалок бўлди ва яраланди. Баҳтар агентлигининг хабар қилишича, Урузгон ва Ғазна вилоятларида мана ярим йилларни, АИП, «Афғонистонни овоз қилиш ислом уюшмаси» ва «Афғонистон ислом инқилоби ҳаракати» билан «Афғонистон ислом бирлиги партияси» отрядлари ўртасида жанглар давом этмоқда. Ҳозирги пайтга қадар 200 дан кўпроқ одам ҳалок бўлди, юзлаб киши яраоқатланди. Тинч аҳоли ўртасида ҳам қўрбонлар бўлди, маҳаллий аҳоли ҳўжаликларида катта зарар етказилди; бир неча минг бош қорамол, экинзорлар, боғлар йўқ қилинди. 1100 дан кўпроқ афғон қочқорлари чет элдан Ҳирот, Нимрўз ва Кандаҳор вилоятларига қайтиб келишди.



© Тўғинли ва Мазали. Новвой Инобат Сулаймонова 1-нон заводи қошида очилган янги цехда меҳнат қилади. Бу цехда харидорғир маҳсулот — тўғилтирилган хамирдан узунчоқ булка нонлар тайёрланади. Х. Мирзакаримов сурати.

«Муваққат низоми» лойиҳаси—муҳоамада

Ҳамшаҳарларимиз кутган тадбир

● Куни кеча рўзномада Тошкент шаҳар Совети икромия комитетининг «Табиий муҳитни муҳофаза этиш Тошкент шаҳар жағмагарисини тузиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида Муваққат низоми» лойиҳаси эълон қилинди. Шу муносабат билан муҳбиримиз жойларда бўлиб ишчи ва хизматчилар билан ушбу ҳужжат юзасидан суҳбатлади.

— ОЧИҒИНИ айтганда биз бундай тадбирни анчадан бери кутганим. Чунки у энг аввало табиий муҳит муҳофазаси, қолаверса, шаҳримизнинг озодлиги ва ободончилиги учун жуда зарур эди. Шунингдек бу ҳужжат хўжалик юртишининг янги шариоитида табиатни муҳофаза этиш фаолиятини бошқаришда маҳаллий Советларнинг имкониятларини кенгайтириш ва масъуллиятини оширишда муҳим қўллана бўлиб хизмат қилади. — дейди биз билан суҳбатда.

Оқибатда бундай муҳим Тошкент тепловоз ремонт заводининг ишчиси Т. Зоиров. — Вугунги кунда атрофи қўламазор бўлган серкратов кафтдек текис кўчалар эртага турли сабаблар билан қавлаб ташланаётганидан, атрофга фаяз кириштиб турган гул-

рошлар меҳнатига ҳўрмат билан қарашни ҳам ўрганишимиз керакда, ахир. Таасуфки, кўпчилик бундай кишиларнинг ўзлари кўчалар инфлосиядан шикоят қилиб юришади, тарақий этишган чет мамлакатлардаги озода-гарчилар ҳақида оғиз кўпиртириб гапиряшади.

Биз қўшадаги таксофонларнинг нисбатан янги ҳам шикоят қилишга ўрганиб қолганимиз. Лекин тушпа-тузук ишлаб турган таксофоннинг ускуналарини сугуриб олаётган зараркундаларни кўриб туриб ҳам ўзимизни қўрмасликка солиб кетадиган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Ахир буни инсондан деб бўлади-ми? Агар жамоат ва шаҳар тартиби учун ҳаммамиз бирдек жон куйдирмасак, ким жон куйдирди, Вутун ишни ҳуқуқ ва тартибот хизматчилари йитириб ташлаб қўя-беришимиз ҳам тўғри эмасда ахир.

БИР туп дарахтин ўстиригунча қанча меҳнат сафқ эматиз. Надоматлар бўлиши, авайлаб ўстирган дарахтиниз эандигна етилиб ат-

рофга тароват бахш этганда у кимлар томонидандир синдириб кетилса ёки бирор қазилма ишлари эвазига сугуриб ташланса бепарво қараб тураверамиз, — дейди Тошкент политехника институтининг доценти И. Рашидов. — Шаҳримиз кўчаларида ҳар баҳор мавсуми план учун ўтказилиб кейин бутунлай қаровисиз қолдирилгандан қураётган дарахтлар бундан мустасно. Агар ўйлаб кўрсан ҳар ниҳол ўтқазини мавсумида екилган дарахтлардан ҳеч бўлмаса 50 фоиз сақлаб қолинса шаҳримиз аллақачонлар ўрмонзоорга айланиб кетган бўларди. Мана сизга меҳнатнинг қадри-сизлигининг бир кўриниши. Шунинг учун ҳам лойиҳадан дарахтларни ижозатини кўчириб олиш, уларга зарар етказиш, гулзорларни пайқон қилганлик ва айроон этганлик учун турли миқдордаги жарималарнинг ўрни олганлиги айни мўлаодир деб ўйлайман. Зора ҳеч бўлмаса жарима сабаб бундай ўз-бошимчиликлар барҳам топ-

Мени яна бир нарса ташвишга солади. Кўп қаватли уйлар атрофида ахлат ташлаш учун жой ажратилиб у ерга маҳсус идишлар қўйилган. Лекин баъзи оилалар эса икки қадам нарига боришни йстамай чиқиндиларни шундоққина олдиларидаги майдонга тўқадилар. Чиллаки чиллаканин кўриб чумак ургандек қолган қўшчилар бундан ибрат олишди. Қарабсини, одамлар ўтириб дам оладиган майдон бугун пашшахонага айланиб ётибди. Ана ундан кейин кўриш уй-жой бошқармасио, район икромия комитетига чопишларини. Яна ўшалар уйлмай-нетмай ўзлари бунёд этган ахлатхонани тозалаб беришни тегишли ташкилотлардан талаб қилишади.

Ҳашар деган сўзни мутлақо ҳаёлларига келтиришмайди.

Хўлоса қилиб айтганда, лойиҳадан шаҳар тартиботи ва ободончилиги учун зарур бўлган жуда кўп моддалар ўрни олгани, бу ишни фақат табрикламоқ керак.

М. ОРНОВ.



© БУЮК БРИТАНИЯ ўзининг Форс кўрфаздаги кучларини қўпайтириш ҳақида қарор қабул қилди. Мудофая министри Британия ҳарбий-деңгиз кучларининг яна уч кемасини шу минтақага юборишини эълон қилди. Шундай қилиб Шарқий Ўрта ер деңгизига йўл олган учта миња изловчи кемани қўшиб ҳисоблайдиган бўлса, Форс кўрфазиди ҳамда унинг беэвосита яқинида турган кемаларини умумий сонини ўн биттага етати.

СУРАТДА: «Жупитер» фрегатини кўрфаз кудудиди. Рейтер — ТАСС телесурати.

Қирқ йиллик муаллим бўлсанг ҳам

ҚИРҚ БЕШ ДАҚИҚАЛИК ДАРСТА ҚОЗИРЛАН

УТТИЗ олти йилдинки муаллимлик қилиб келаман. Қўллаб ҳамкасбларим каби мени ҳам бутунги мактаб ҳаёти, муаммолари ўйлантирмоқда. Шу муно-

сабат билан баъзи фикр ва мулоҳазаларимни «Ошшо» орқали ҳамкасбларим эътиборига ҳавола этишни дозим топдим.

Авало ёшлар тарбияси ҳақида. Қўшлар ёшлар тарбияси ҳақида шикоят қилишди. Нега? Сабаби, 30-50-йиллари воқелининг бузиб талқин этилиши, турғунлик йилларидаги порахўрлик, ишга ҳождлик, фозис кетидан кетиб қолган маъмуриятчилик оқибатида бўлди. Юқорида айтганимдек фозис кетидан кетиб мактабларда ким узарга авж олиб кетди. Э-лаштиришдан паст натижа кўрсатган ўқитувчининг дарс соати қисқартирилиб, мактаб маъмурияти жаозланди. Натижада, ўз тилини билмаган, чаласавод ўқувчи ҳам синфдан синфга ўтказиларди...

Тараққий этган Европа мамлакатлари мактаблари синфларида 12—16 ўқувчи таълим олаётган ҳозирги даврда бизнинг мактабларимиз авария ҳолатида бўлишга қарамай, бир синфда 30-40 нафар ўқувчи таълим оляпти. Ахир бир синфда 30-40 бола ўқиса, таълим турғунлигида сўз бўлиши мумкинми?

Рус тили ва чет тиллари фанлари бўлиб ўқитилаётгани ва унинг ўқувчи билимида ҳеч қандай ўзгариш бермаётгани ҳозирги кунда ҳаммага аён. Она тили — миллий тил. Миллий тилда инсоннинг маънавий қадрияти намол топади, инсофдиёнат, ҳалолу поклик, номусу ора, одамийлик мужассамлашади. Шундай экан, мактабларда она тили фанини бўлиб ўтиш шу куннинг дарв таълибидир. Менинг таклифим: она тили ва адабиёт фанларини бўлиб ўқитиш тўғрисида, ўқувчиларнинг она тилига бўлган қизиқиш ва иштиёқларини ошириш мумкин. Шундангина мактабларда миллий руҳни сақлаб қолиш мумкин.

Шунингдек, эшик масанларини зарурий таълим воситалар, кўргазмалар қуроллар билан жиҳозлаш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири. Синфларга рангсиз, фотонусула 3-4 та ўзгариш ёки фалакхил ёки кимёвий олимларнинг портретини осиб қўйиш билан «кабинет»имиз бор дейиш ақлга тўғри келарми? Магнитофон қўйиб бериш билан ўқувчининг алдаб бўлмайди. Баъзи синфхоналарида булар ҳам йўқ. Ҳозирги фан-техника янгиликларини, адабиёт, тарих, география, химия, биология фанларини 3-4 та расм, магнитофон, патефон билан ўқувчилар оғинга сингирди бўлади-ми? Бунинг учун рабон халқ

лар ана шу ўқув даргоҳини би-тириб чиққандлар.

— Ҳозир ўқув методикасини қайтадан кўриб чиққандим, — дейди денгизчилар мактаби бошлигининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Г. М. Портоно. — Эндигидека кенгайтирилган назарий билим беришни амалий машғулотлар билан бирга қўшиб олиб бормоқдамиз. Ҳозирги таълим техника воситаларини қўллана бошладик. Ўқув хоналари қайта ускуналандим.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзАТ муҳбири.

Бу — қизиқ!

Мушукнинг саккиз йиллик саёҳати

АМЕРИКАНИНГ Висконсин штатида яшовчи Хельминек деган оданинг Клем лақабли мушук уйда чикиб, қайтиб келмади. Хельминеклар оиласи хонадоннинг суюкли ҳайвони бўлган мушукни кўп қидиришди, топилмади. Клемни топши ниятида рўзномаларда эълон ҳам чиқарилди, натижа бўлмади.

Орадан 8 йил ўтган, эшикдан Клемнинг ўзи кириб келди. Мушук тўпла-тўғри ўз ўринидеги бўлган жой — креслога бориб ётди. Хонадон эгалари дарҳол Клемнинг эски фотосуратини топиб, унга солиштириб ҳам кўришди. Оғининг йўл-йўлиги, қашқаси худди ўзиники экан. Фақат шунча вақтдан бери у қаерларда бўлиб, қаерларда юрганини мушукдан бошқа ҳеч ким билмади.

Суратда: фирма ходимаси Лия Лежава саяёқ бурувчи янги дастоқ намунасини намойиш этаётди.

ТАСС сурати.

«ТАМАКИ» ОПЕРАЦИЯСИ

МИНСК. Белоруссияда Ватанимизда тайёрланган сигаретлар ҳам, чет элдан келтирилганлар ҳам жуда етарли — Белоруссия ССР Ички ишлар министриги БХС бошқармаси ўтказган «Тамак» операциясида иштирок этган ТАСС муҳбири шундай хулосага келди. Савдо мафийаси янги таъкидидан фойдаланиб боилик ортириш умидида бусиз ҳам жуда кескин бўлиб турган иқтисодий вазиятни янада ўткирлаштириб, навбатдаги шовшувчи вужудга келтирди. Жумҳурият Министрлар Советининг Президиуми сигаретлар билан боғлиқ вазиятнинг жиддийлигини ҳисобга олиб, уни берқарорлаштиришга қарар

қилди. Савдо ходимлари уни «бир овоздан қўллаб-қувватладилар».

Витебск вилоятидаги «Бака» базиси текширилганида 3 августдан бунён саклаб келинаётган 509.341 пачка сигарет топилди. Брест вилоят матбуот жамиятига қарашли Пинск районлари базасидан эса ОБХС ходимлари 260 минг сўмлик «Сосмос» топилди. Бу сигаретлар тез орада Озарбайжонга йўнатилиши керак эди. Уларнинг Калинковичи базасидаги ҳамкасблари эса ҳар қалай Ардамга 60 минг пачка сигаретни йўнатишга улгурди-лар.

Текширув натижасида кўп эмас, кам эмас, жами 1 миллион пачкадан зиёд сигарет топилди. Бунга низоҳ беришнинг ҳождати ҳам бўлмаса керак...

Собит ҒАФУРОВ тайёрлаган.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Кўкрақда унган арпа

НЕПАЛ мамлакатининг Бандипохари қишлоғида яшовчи Ганеш Бахориди исми йигит Десаён деган миллий байрамни аёйиб кўтиб олди. У шундоқ уйи қаршидаги ерга буйрақ эшикни бири қатлам тупроқ айиб, унга арпа сепади. Кўкрақ ҳароратидан арпа донлари бири-кетини уйиб чиқа бошладилар. Бу антиқа тақрибани кўн-қўшчилар, шу атрафдаги қишлоқлардан келган одамлар томоша қилишди. Ганеш Бахоридининг бу иши деҳқонларга жуда кам эр ажратиб берилишига шамма эмас, балки миллий байрамни ўзинга хос нунонаиб кўтиб олиш эди, холос.

Қадрли ўсмирлар ва қизлар!

АГАР ОМАДИНГИЗ ЮРИШМАСДАН, ИНСТИТУТ ЕКИ ТЕХНИКУМГА КИРОЛМАГАН БУЛСАНГИЗ СИ РА ХАФА БУЛМАНГ.

СИЗ 40-СОҢЛИ ТОШКЕНТ ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА КИРСАНГИЗ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ТАЛАБАСИ БУЛИШ УЧУН АНИҚ ИМКОНИЯТГА ЭГА БУЛАСИЗ.

ХОЗИРГИ ВАҚТДА МАХСУС ГУРУҲЛАРГА АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Агар Сиз 9-синфин битирган бўлсангиз яна ҳам яхши. Чунки икки йилдан кейин Сиз Тошкент машинасозлиги институтининг талабалари қаторига қўшилисангиз. Билим юртида радиомонтажчи, микроқомалар йиғувчи, техника назорати бўлими назоратчиси, кенг ихтисосли дастоқчи соҳалари бўйича таълим бериладилар.

11—СИФНИ БИТИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

СИЗЛАР УЧУН ЧИЗМАКАШ-ТАРРОҲ ИХТИСОСЛИГИ МУНТАЗИРИ!

Ўқшш мурдати — 1 йил. Икки ой назарий билимдан кейин тарроҳлик бюрорларида амалий ишлар ўргатилади.

ЎҚИШГА ШОШИЛИНГ!

Маълумот олиш учун телефон: 45-47-35.

Билим юрти манзили: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 108-уй. Халқ ҳўжалиги институти тарафидан қирилади.

Ўзбекистон ССР Винокорлик материаллари саноати министригининг ички, дар таъминоти бошқармаси, 1-«Комфорт» фирмалари дўконининг ямавалари дўкон ходими О. А. Баҳромовга отаси.

Асар БАХРОМОВнинг вафот этганини муносабат билан таъзия наҳор қилинади.

«Вечерний Ташкент» — орган Ташкентнинг горкома Компартияси Ўзбекистан ва го. родного Совете народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети напришти, нинг Меҳнат Қизил Вайроқ орденли босмаҳанаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32.53.76; хатлар — 32.29.70; 32.53.79; ямавотчилар қабулхонаси — 32.55.83.

Яшанбадан ташқари ҳар кунни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқари.

140.390 нусхада ҳар этилади. Индекс 64680. Д — 2201. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

РЕКАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



КЛАСТЕР ОЛМОСЛАРИ

ЭНГ ЯНГИ ЮЛДУЗЛАРИНИНГ ПОРТЛАШ ВА «ОЛТОИ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ТУГИЛАДИ.

КЛАСТЕР ОЛМОСЛАРИ АБРАЗИВЛИК КОССАЛАРИГА ЭГА ЭМАС. Улар асосида тайёрланадиган саноят ва мотор мойлари учун ДЕСТА ва ДЕСТА М қўтишма элементлари

КУП МУАММОЛАРИНИНГНИ ХАЛ ҚИЛАДИ.

Барча биринчи ўрнлар 13-15 апрелда Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган ЭКОРАЛЛИ-90 да синаб қўрилди ва «Волга» автомобиль заводи томонидан «ВАЗ автомобильларини юргизиб синаб қўриш учун.

«ДВИГАТЕЛЬ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Давлат илмий-тадқиқот технология институти томонидан янги ва таъмирланган автотрактор техникасини заводга юргизиб синавдан ўтказиш учун.

Кўтанси автомобиль заводи томонидан деталларга юқори аниқликда ишлов берувчи металл несиш дастоқлари ва ишлов бериш марказларида қимматбаҳо ва танқис чет эл мойларини саноят мойларига алмаштириш учун

ТАВСИЯ ЭТИЛДИ

ДЕСТА ҚОТИШМА ЭЛЕМЕНТЛАРИ: — ишлатиш жараёнида деталларнинг ишга яроқлилигини таъминлайди; — «ВАЗ» двигателларининг қувватини 4,4 фозга оширади; — карбюратор двигателларининг ёқилғисини 6 фозга гача, дизель двигателларининг ёқилғисини 8 фозга гача тежайди.

— мойлар сарфини 2,5 фозга; — меҳания сарфини 7,6 фозга гача пасаитиради, компрессияни 12 фозга гача оширади; — қишқи ва ёзи мавсумда осонгина ёқилишини, двигателлар шовқинининг камайишини таъминлайди; — ишқалаувчи юзаларни содлаштиради. В.А.З илмий-технавий марказининг хулосаси № 0-0768 1121, 1125

ЎРТА ОСИЕ ХУДУДИДА ФАҚАТ «ЭЛЕКТРОНИКА» МАГАЗИНЛАРИДАГИНА САВДОГА ҚУЙИЛАДИ.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1 СЕНТЯБРДАН

РЎЗНОМА ВА ЖАРИДАЛАРГА ОБУНА БОШЛАНДИ.

ОБУНАЛАР «СОЮЗПЕЧАТЬ» ОБУНА БЎЛИМЛАРИДА, МАХСУС АЖРАТИЛГАН «СОЮЗПЕЧАТЬ» ДЎКОНЧАЛАРИ ВА ХАТ ТАШУВЧИ ХОДИМЛАР ОРҚАЛИ ТУРАР ЖОЙЛАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Матбуот маҳсулотларига нарх ошиши сабабли 1991 йил каталогларидан фойдаланишинингизни сўраймиз.

ОБУНА МУДДАТИ:

Марказий ва Ўзбекистон жумҳурияти рўзнома ва жаридаларига ҳамда фан-техника ахбороти 1991 йил каталогига киритилган матбуотларга 1 сентябрдан 31 октябргача.

Чет эл жариди ва рўзномаларига 1 октябрдан 31 октябргача.

РФСФР ва бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар рўзнома ва жаридаларига обуна муддати қўшимча эълон қилинади.

КОРХОНА, МАҲКАМА ВА МУАССАСАЛАРДА ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА 1 СЕНТЯБРДАН 31 ОКТЯБРГАЧА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Умумийфқо каталогига киритилган қатор матбуот маҳсулотлари чакана — савдо тармоқлари орқали сотилади. «Визинг меросини» жаридасига обуна китоб обунаси билан шуғулланувчи китоб дўконларида ўтказилади.

«СОЮЗПЕЧАТЬ» ОБУНА МАНЗИЛГОҲЛАРИ:

- АКМАЛ ИКРОМОВ ОБУНА БЎЛИМИ — Чилонзор даҳаси, 22-мавзе, 10-уй. Телефон 75-86-24. КУЙВИШЕВ ОБУНА БЎЛИМИ — Горький шохқўчаси, 53-уй. Телефон 87-54-88. КИРОВ ОБУНА БЎЛИМИ — Жаҳон Обидова кўчаси, 8-а» уй. Телефон 34-27-37. ЛЕНИН ОБУНА БЎЛИМИ — Владимир Иванов кўчаси, 3-уй. ОКТАБР ОБУНА БЎЛИМИ — Хуршид кўчаси, 1-а» уй (Лабзак). Телефон 41-77-41. СЕРГЕЛИ ОБУНА БЎЛИМИ — Сергели даҳаси, 2-мавзе, 8-уй. Телефон 58-24-25. СОБИР РАҲИМОВ ОБУНА БЎЛИМИ — 2-Тансиқбоев кўчаси, 1-уй. Телефон 29-82-40. ФҲНЗЕ ОБУНА БЎЛИМИ — Баранов кўчаси, 47-уй. Телефон 96-64-40. ҲАМЗА ОБУНА БЎЛИМИ — Лисунов мавзеси, 65-уй. Телефон 96-64-40. ЧИЛОНЗОР ОБУНА БЎЛИМИ — Чилонзор кўчаси, 83-уй. Телефон 77-23-22. БЕКТЕМИР ОБУНА БЎЛИМИ — Бектемир алоқа бўлими идорасида жойлашган. ШАҲАР «СОЮЗПЕЧАТИ» — Широқая кўчаси, 2-уй. Телефон 33-75-34. «САЙРА» (Планета) ДЎКОНИ — Навоий кўчаси савдо растаси. «ФИЛАТЕЛИЯ» ДЎКОНИ — Ленин кўчаси, 73-уй. Телефон 56-07-43. 246 — «СОЮЗПЕЧАТЬ» ДЎКОНЧАСИ — Шимолий Олмазор мавзеси. 330 — «СОЮЗПЕЧАТЬ» ДЎКОНЧАСИ — Ш. Руставели кўчаси. Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 33-73-56, 32-07-96.

Тошкент шаҳар «Союзпечать» корхонаси

Қадрли ўсмирлар ва қизлар!

АГАР ОМАДИНГИЗ ЮРИШМАСДАН, ИНСТИТУТ ЕКИ ТЕХНИКУМГА КИРОЛМАГАН БУЛСАНГИЗ СИ РА ХАФА БУЛМАНГ.

СИЗ 40-СОҢЛИ ТОШКЕНТ ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА КИРСАНГИЗ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ТАЛАБАСИ БУЛИШ УЧУН АНИҚ ИМКОНИЯТГА ЭГА БУЛАСИЗ.

ХОЗИРГИ ВАҚТДА МАХСУС ГУРУҲЛАРГА АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Агар Сиз 9-синфин битирган бўлсангиз яна ҳам яхши. Чунки икки йилдан кейин Сиз Тошкент машинасозлиги институтининг талабалари қаторига қўшилисангиз. Билим юртида радиомонтажчи, микроқомалар йиғувчи, техника назорати бўлими назоратчиси, кенг ихтисосли дастоқчи соҳалари бўйича таълим бериладилар.

11—СИФНИ БИТИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

СИЗЛАР УЧУН ЧИЗМАКАШ-ТАРРОҲ ИХТИСОСЛИГИ МУНТАЗИРИ!

Ўқшш мурдати — 1 йил. Икки ой назарий билимдан кейин тарроҳлик бюрорларида амалий ишлар ўргатилади.

ЎҚИШГА ШОШИЛИНГ!

Маълумот олиш учун телефон: 45-47-35.

Билим юрти манзили: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 108-уй. Халқ ҳўжалиги институти тарафидан қирилади.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА 4, 5, 6, 7 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА ҲАВОЛАНГИЗГА ЯНГИ ПРОГРАММАНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ: НАРГИЗ ЗОКИРОВА, РУСЛАН ШАРИПОВ ВА

«БОЛАЛАР»

ДИСКО-ШОУ ГУРУҲИ Солистлар: Т. СОДИҚОВ, Х. СОДИҚОВ, Б. ПУЛАТОВ, Т. ОДИЛОВ.

Группанинг бадий раҳбари — РУСЛАН ШАРИПОВ Программани — Ҳамза номли ўзбек давлат академия драма театри солисти ЖАМШИД ЗОКИРОВ олиб бо-ради.

Кассалар 11.00 дан ишлайди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ «КОМПРЕССОР» ВА «АГРЕГАТ» ЗАВОДЛАРИ БАЗАСИДАГИ

25-хунар-техника билим юрти ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎИИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

кенг ихтисосли дастоқчи, газ электр пайвандчи, ускуналарни таъмирловчи чилангар, сувоқчи-бўёқчи, техника назорати бўлими назоратчиси, «КамАЗ» двигателларини таъмирловчи моторист.

9-11 СИФ ҲАЖИМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқшш мурдати — 2 йил ва 1 йил.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНДИ.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида барча ўқувчиларга 50 фоз иш ҳақи тўланади.

Ўқшш вақти меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади. Ўқшш даврида алоҳида муваффақият қозонган ўқувчилар техника олий ўқув юртинининг кундузги билимларига имтиёбли шартларда кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Тошкент шаҳри ва Тошкент шаҳар атрафида истиқомат қилувчи, Совет Армияси сафларидан захирга бўштирилган йигитлар «КамАЗ» двигателларини таъмирловчи моторист ихтисоси бўйича ўқишга таклиф этиладилар.

Ўқшш мурдати бир йил ва 6 ой ёки 10-автомобиль тузатиш заводида 2 йил мобайнида ишлаб бериш шарт. Ҳар ойда 100 сўмдан стипендия тўланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳўжаларини тоширадилар: директор номига ариза, 8 ёки 10-синфин тутатганлиги тўғрисида аттестат ёки гувоҳнома, тавсиянома, турар жойидан ва тиббий шҳодатнома, 5x5 см, катталикдаги 6 та фотосурат.

Манзилимиз: 700057, Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 96-уй, (18, 48, 56, 82, 179-автубуслар; 7, 8-троллейбусларнинг «Геология-қидирув заводи» бекати). Телефонлар: 48-27-57, 48-75-64.

ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, ШИРКАТ, ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ, МАКТАБ, БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ ВА МАҲАЛЛА КОМИТЕТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ ҚУМИТАСИ ШАҲАР БОШ АРХИВ БОШҚАРМАСИНИНГ (УАҒ) ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЕР УЧАСТКАЛАРИ ВА УЛАРДАГИ МАВЖУД ЕР ОСТИ ИШОТЛАРИНИНГ ЗАРҲР МИҚДОРДАГИ РЕЖАЛАРИНИ

ТАЙЕРЛАБ БЕРИШИ МУМКИН Шу билан бирга институт қуйидаги ишларини ҳам бажаради:

бинолар лоийҳалари, ер ости-муҳандислик иншоотларини қўриш учун тайёрлаш, мавжуд чизмалар бўйича қурилайётган ер ости муҳандислик иншоотларини бунёд этиш жараёнининг геодезия-назорат суратларини олади;

бинолар ва иншоотларнинг қўқшши ва бузилишини назорат қилади, котлавлардаги иншоотларни қўришда пойдевор асосларини қабул қилиш ва лоийҳаларини тасдиқлаш учун геологик-муҳандислик изланишларини олиб боради;

ер ости сувларининг даражаси, сифати, литологияси ва филтрлаш коэффициентини аниқлаш мақсадида қудуқлар қазийди;

барча миёёлар бўйича ер ости ва ер устки қисмларининг режаси шартли тасвирлари ва топография суратларини тайёрлайди.

Юқорида қўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмаларни қуйидаги манзилга юборинг: 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2 «А»-уй. Телефонлар: 41-21-63, 41-08-03.

«2-МЕВА-САВЗАВОТ КОМБИНАТИГА МАХСУЛОТЛАРИНИ ОРТИШ-ТУШИРИШ ИШЛАРИ БЎИИЧА

ВАҚТИНЧА ИШЧИЛАР КИРАК

ИШ ҲАҚИ ТАСДИҚЛАНГАН БАҲОДА ҲАР КУНИ Тўланади МАНЗИЛГОҲИМИЗ: ТОШКЕНТ ШАҲАР «СЕРГЕЛИ РАЙОНИ», ВЕНГЕРСКАЯ КўЧАСИ, 59-уй. 45. 66-АВТОБУСЛАРНИНГ «Мева-сабзозов комбинати» бекати.

АХБОРОТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 55-18-32.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЙНГ ВАЗИРЛИГИНИНГ САҲАТ БОШҚАРМАСИ С. М. КИРОВ НОМИЛИ УШ ВИЛОЯТИ ЎЗБЕК МУСҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ГАСТРОЛЛАРИ

БОШҚА МУДДАТГА ҚўЧИРИЛГАНЛИгини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Харид қилинган билетлар Муқимий номли ўзбек мусиқали театри кассаларида соат 10 дан 19.00 гача қабул қилинади.

«Вечерний Ташкент» — орган Ташкентнинг горкома Компартияси Ўзбекистан ва го. родного Совете народных депутатов.

Ўзбекистон ССР Винокорлик материаллари саноати министригининг ички, дар таъминоти бошқармаси, 1-«Комфорт» фирмалари дўконининг ямавалари дўкон ходими О. А. Баҳромовга отаси.

Асар БАХРОМОВнинг вафот этганини муносабат билан таъзия наҳор қилинади.

«Вечерний Ташкент» — орган Ташкентнинг горкома Компартияси Ўзбекистан ва го. родного Совете народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети напришти, нинг Меҳнат Қизил Вайроқ орденли босмаҳанаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32.53.76; хатлар — 32.29.70; 32.53.79; ямавотчилар қабулхонаси — 32.55.83.